

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта – махсус таълим
вазирлиги**

Наманган давлат университети

**Ижтимоий гуманитар факультети Ижтимоий маданий фаолият
йўналиши IV-босқич талабаси Собиров Шерознинг**

“Бўш вақтда маданий эҳтиёжларни шакллантириш муаммолар”

мавзуси бўйича

Битирув малакавий Иши

Бажарди:

Собиров Ш.

Илмий раҳбар:

соц.ф.д.,проф. М.М.Бекмуродов

Наманган – 2009й

Мавзу: Бўш вақтда маданий эҳтиёжларни шакллантириш муаммолари.

Режа:

Кириш

I-боб. Эҳтиёжлар – ҳар қандай шахснинг фаолият манбаи сифатида

1.1. Эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши ва турлари.

1.2. Моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзар фарқланиши.

II-боб. Инсонлар фаолиятидаги бўш вақтда маданий эҳтиёжларни шакллантириш муаммолари.

2.1. Бўш вақтни оммага тадбиқ қилишда маданий эҳтиёжлардан фойдаланиш.

2.2. Бўш вақтни ташкил этишда маданий эҳтиёжлар: кино, театр, адабиёт ва мусиқа санъатидан фойдаланиш муаммолари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мутақиллигимиз шарофати билан жамиятимизда, давлатимизда кўзга кўринарли ўзгаришлар рўй берди, қолаверса, инсон манфаатларининг ҳимоя қилиш ишлари кенг қўллашда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрнига, мавқеига эга бўлишига замин яратади.

Чақалоқ дунёга келар экан, у ҳали индивид ҳисобланади. Табиат қонунини, ҳаёт кечиришни бошлаган чақалоқда турли эҳтиёжлар пайдо бўла бошлайди. Яъни вақт ўтиши билан қорни оч қолади, ўз навбатида эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳаракат қила бошлайди: йиғлайди, чмнқиради, хуллас оансига муносабат билдира бошлайди. Бундан кўриниш турибдики, биз туғилгандан бошлаб то умримизнинг охиригача ўз эҳтиёжларимизни қондиришга ҳаракат қиламиз.

Эҳтиёж – бу шахсни яшаши ва ўзини ўзи сақлаши учун зарур бўладиган восита ва шарт – шароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, яшаш мухити (ҳаёт ва ижтимоий муҳит) барқарор муносабатни сақлашга интилишдир. Инсон эҳтиёжларининг кўпгина таснифлари мавжуд бўлиб, улар учун асос сифатида инсон эҳтиёжларининг ўзига ҳос объекти, уларнинг функционал вазифаси, амалга ошириладиган фаолият тури ва бошқалар олинади.¹

Бевосита инсон меҳнат фаолиятини яхшилаш мақсадида ўзининг бўш вақтини тўғри ташкил қилишга ҳаракат қилади. Бевосита бу жараёнда маданий эҳтиёжлардан оқилона фойдаланади. Хўш, бўш вақтнинг ўзи нима, инсонлар бу вақтда қандай ишлар билан шуғулланиши лозим?, деган савол туғилиши табиий.

¹ Юнусов К. Социология. Ўқув қўлланма. А.: 1997й 13-бет.

Бўш вақт жамият ҳаётининг бир кўринишидир. Бўш вақт нафақат индивидларни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган қобилиятларини тиклашгина бўлиб қолмасдан, балки маънавий сифатларни ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ижтимоийлашувига ёрдам бериш каби ижтимоий вазифалардир. Социологияда бўш вақтни зарурий бўш вақт ва эркин бўш вақт тушунчаларига ажратилади.

Шу маънода шуни таъкидлаш зарурки, эркин ва зарурий бўш вақт фондини ҳисоблаш методикаси ҳар хил социологик йўналишлар ва мактаблар учун турличадир.

Инсонларнинг бўш вақтларини фойдали ишлар билан ўтказиш мақсадида маданий – маърифий ишлар соҳаларида турли мақсадга элтувчи, кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Битирув малакавий ишимизнинг мавзуси ҳам айнан мана шу: инсонларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилишда маданий эҳтиёжлардан фойдаланиш, уни шахс фаолиятининг давоми сифатида шакллантириш мақсадида мавжуд муаммоларни бартараф этишни тақозо этади. Мавзунинг долзарблиги ҳам шунда.

Битирув малакавий ишининг методологик асоси шарқ алломалари, маданиятшунос олимлар ва Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг мавзунинг долзарблигини тасдиқловчи фикр ва қарашларидан келиб чиқади.

Битирув малакавий ишимизнинг мақсади инсонлар бўш вақтини тўғри ташкил қилишда маданий эҳтиёжларнинг ўрни беқиёс эканлигини очиб беришга қаратилган.

Ушбу мақсадга кўра:

- инсон эҳтиёжларини қондиришнинг тарихий ва назарий асосларини ўрганиш;
- миллий истиқлол – инсон эҳтиёжларини қондириш жараёнини ҳамда маданий – маърифий юксалиш тараққиётининг омили эканлигини тасдиқлаш;
- бўш вақт мааслалари бўйича мавжуд муаммоларни тадқиқотлар орқали бартараф этишга эришиш;
- маданий эҳтиёж манбаси ҳисобланган театр, кино соҳаларини, маданий ҳаваскорлик жамоаларидаги олиб борилаётган ишлар кўламини ривожлантиришга ҳисса қўшиш каби вазифалар бўйича илмий изланишлар олиб борилди;

“Маданиятшунослик”, “Маданият социологияси” соатлари битирув малакавий ишининг предмети бўлиб ҳизмат қилди.

Битирув малакавий ишида инсон эҳтиёжлари, турлари, уни қондириш йўллари ва маданий ҳаракатлар ҳақида келтирилган фикрлар унинг назарий асосини ташкил этса, жамият ичида амалиётда инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўлами амалиё аҳамиятини англатади.

Битирув малакавий ишининг ёзилиш жараёнида турли тадқиқот усуллари ва ишлари олиб борилди, маданиятмуассасаларининг иш фаолияти билан бевосита яқиндан танишишга эришдик. Давлатимиз томонидан чиқарилган қонунлар қай даражада амалга оширилаётганини таҳлил қилдик.

Битирув малакавий ишимизниг ҳажми кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, саҳифадан иборат.

I-боб. Эҳтиёжлар – ҳар қандай шахснинг фаолият манбаи сифатида

1.1. Эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши ва турлари.

Жамият аъзоларининг яшаш тарзи турли ички ва ташқи ундовчи кучларнинг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади. Ички ундовчи кучлар эҳтиёж ва манфаатлар, истак ва интилишлар, қадрият ва қадриятли йўналишлар, идеаллар ва сабабларни ўз ичига олади. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир инсон яшаши, ҳаёт кечириши даврида ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Эҳтиёжларни қондириш учун эса меҳнат қилади. Ҳўш, эҳтиёжнинг ўзи нима, унинг турлари қандай?

Эҳтиёж – бу шахснинг яшаши ва ўзини – ўзи сақлаши учун зарур бўладиган восита ва шарт – шароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, яшаш муҳити ҳаёт ва ижтимоий муҳит билан мувозанатни сақлашга интилишдир. Инсон эҳтиёжларининг кўпгина таснифлари ўзига хос объекти, уларнинг функционал вазифаси, амалга ошириладиган фаолият тури ва бошқалар олинади.

Бизнингча, эҳтиёжлар иерархиясининг поғонасини америкалик психолог А.Маслоу анча тўлиқ ва мувофаққиятли тарзда ишлаб чиққан бўлиб, у эҳтиёжларни туғилиш даражасига кўра беш ттурга ажратади:

1. Одамларнинг такрор кўпайиши, озиқ – овқат, нафас олиш, жисмоний ҳаракат, кийим – бош, дам олиш ва хоказоларга бўлган физиологик ва жисмоний эҳтиёжлар;
2. Экзистенциал эҳтиёжлар – турмушнинг ҳавф – ҳатарсиз бўлишига эҳтиёж, эртанги кунга ишонч, ҳаёт фаолиятининг барқарор шарт – шароитлари, инсонни қуршаб турган социумнинг – муайян даражада

доимий ва мунтазам бўлишига эҳтиёж, меҳнат соҳасида эса кафолатланган бандликка, бахтсиз ходисалардан суғурталанишга ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжлар;

3. Жамоага боғлиқликка, унга мансубликка, муомалада бўлишга, бошқалар таъсирида ғамхўрлик қилишга. Ўзига эътибор берилишига. Биргаликдаги меҳнат фаолиятида иштирок этишга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар;
4. Ўз – ўзининг ҳурмат қилиниши, обрў – эътиборли бўлишига эҳтиёж – бу кадр-қимматнинг эътироф қилиниши, хизмат соҳасида ўсишига, жамиятда мақоми, нуфузи ортишига, тан олиниши ва муносиб баҳоланиш эҳтиёжи;
5. Шахсий, маънавий эҳтиёжлар ўзининг ижод орқали фаоллашуви, ўзини намоён қила олишида ифодаланади.²

Маскур эҳтиёжларнинг дастлабки икки турини бошланғич туғма, қолган учтасини иккиламчи ҳосил қилинган эҳтиёжлар деб атаган. Шу билан бирга эҳтиёжларнинг ортиш жараёни бирламчи, қуйи эҳтиёжларни иккиламчи юқори эҳтиёжлар билан алмашинуви сифатида намоён бўлади. Иерархия принципига кўра ҳар бир янги даражадаги эҳтиёж аввалги эҳтиёж қондирилишидан кейингина шахс учун долзарб эҳтиёжга айланади. Шунинг учун ҳам иерархия принципини доминанга принциплари ҳозирги вақтда ҳукмрон бўлган эҳтиёжнинг ҳукмрон белгиси деб атайдилар. Маслоу фикрича, эҳтиёжни қондиришнинг ўзи инсон ҳатти – ҳаракатининг асосий сабаби бўлиб майдонга чиқмаган. Маълумки, эҳтиёжнинг таъсир кўрсатиш кучи унинг потенциали уни қониқиш даражасининг функциясидир. Бундан

² Абдурахмонов таҳрири остида “Меҳнат ва иқтисод социологияси”. Т.: 2001й. 58-бет.

ташқари эҳтиёжнинг жадаллиги унинг умумий поғонадаги тутган ўрни билан белгиланади.³

Эҳтиёжнинг социологияда ҳар – хил нуқтаи назарлардан ўрганиладиган ва ҳисобга олинadиган ижтимоий ва ахлоқий турлари мавжуд. Уларнинг муайян қисми меҳнат сабаблари муаммоси жумласига киради ва аниқ аҳамиятга эга бўлади. Улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ўз – ўзини ҳурмат қилишга эҳтиёж ўзи ҳақидаги ижобий фикр туфайли ҳалол меҳнат билан шуғулланиш; ўз – ўзини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж маъқулланиш ва обрў – эътибор, ўзига нисбатан бошқаларнинг ижобий муносабатда бўлиши; эътироф этилишга эҳтиёж; ўз – ўзини намоён этишга эҳтиёж; фаолликка эҳтиёж фаоллик орқали соғлиқ ва кайфиятни яхши сақлашга интилиш; наслни давом эттиришга ва ўз – ўзидан кўпайишга эҳтиёж, ишда оиласи ва қариндош – уруғларининг, яқинларининг яхши кун кечириши уларнинг жамиятда мартабаси ортишига аҳамият бериш, меҳнат натижалари орқали яратувчилик ва ниманидир мерос қилиб беришга интилишни амалга ошириш; дам олиш ва бўш вақтга бўлган эҳтиёж камроқ ишлаб, кўпроқ бўш вақт бўлишини афзал кўриш ишини яшашнинг асосий мақсади эмас, балки қадрият деб билиш; ўзини – ўзи сақлашга эҳтиёж камок ва яхшироқ шароитда ишлашга эҳтиёж, ўз соғлигини сақлаш мақсадида камроқ ҳақ олишга ҳам рози бўлиш; ва ҳоказо эҳтиёжлар шулар жумласидандир.

Ҳар қандай эҳтиёж хилма – хил қизиқишларни вужудга келтириши мумкин. Масалан, билимларга бўлган қизиқиш ҳодимларда ўзининг касб махоратини оширишга бўлган қизиқишини шакллантириши мумкин; ижодий, хилма – хил ва мазмунли ишга бўлган қизиқиш ўзининг касбий билмини доимий равишда кенгайтириб боришни талаб қилади; махсус

³ Абдурахмонов таҳрири остида “Меҳнат ва иқтисод социологияси”. Т.: 2001й. 59-60бет.

абаюбиётларни, илғор тажрибани умумлаштирувчи ва ёритувчи адабиётларда қизиқишни оширади ва ҳоказо. Шундай қилиб эҳтиёжлар ва қизиқишлар бир – бирини доимий тўлдириб туради.

Юқоридаги фикрларимизнинг давоми сифатида яна шуни айтиб ўтиш жоизки, инсон бу дунёда яшар экан, домий равишда унинг турли хил нарса ва убюмларга, одамлар оарсидаги меҳр – муҳаббатга эҳтиёж туғулаверади. Эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши бизни меҳнат қилишга ундайди. Масалан, ҳар бир инсон оила деб аталмиш азиз даргоҳда улғаяда, ўз навбатида ота – она фарзанд кўргандан кейин уларнинг кунлик эҳтиёжлари янада кўпаяди. Бевосита энди боланинг ҳам эҳтиёжи вужудга келади. Кун давомида чақалоққа овқат, тарбия бериб туриш керак. у борган сари улғая боради, улғайган сари алоҳида шахсга айланади, унинг эҳтиёжларини сафи ҳам кенгаяди. Шу тариқа яшаш, ҳаёт кечириш занжири уланиб бораверади. Энди унда шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган эҳтиёж туғилади. Бунинг учун эса тинмай меҳнат қилиш керак бўлади.

Демак, меҳнат орқали биз мавжуд эҳтиёжларимизни қондиришимиз ва яхши шароитда яшашимиз мумкин экан-да. Шу ўринда “меҳнат” га атрофлича таъриф бериб ўтсак.

Меҳнат – бойлик манбаидир. У инсон фаолиятининг биринчи ва зарур шarti ҳисобланади. Инсон ва жамият тараққиётининг тарихи бу жараёнда меҳнатнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Одамлар атрофдаги табиатни ўзгартирар эканлар, ўзларининг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари таъсирида ўз табиатларини ҳам ўзгартирадилар: билимларини бойитиб, қобилиятларини ривожлвнтирадилар ва янги кўникмалар ҳосил қиладилар.

Меҳнат ўзининг таркибий ривожига жараёнида жиддий равишда мураккаблашди: инсон тобора мураккаброқ ва хилма – хилроқ операциялар бажаришни бошлади, тобора уюшган меҳнат воситаларини ишлатиб ўз олдига анча юксакроқ мақсадлар қўйиш ва уларга эришишга интилди. Меҳнат кўп томонлама, хилма – хил, мукаммал бўлиб борди, инсон ўз иш кучини доимий равишда ривожлантира бориб, янги қийматлар ярата бошлади, улар ҳаётий неъматлар қийматидан анча юқори бўлди, иш кучининг ўзини қайта тиклашдан ҳам ортиб қолди. меҳнат туфайли инсон ҳаёвонот дунёсидан ажралиб чиқди. Кишилиқ жамиятининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, одамзот яралгандан бери ўз танасидаги қўл ва оёқлари ўртасидаги меҳнат тақсмотида, тил – забонининг ривожланиб боришида, ўзи бажарадиган меҳнатида миннаддор бўлиши керак. фақат меҳнат туфайли одамнинг ҳатти – ҳаракатларида онглиқ тус ола бошлаган. Одамлар атроф муҳитга таъсир кўрсата бориб, тобора ортиб бораётган эҳтиёжлар туфайли инсон табиатини ўзгартирадilar: меҳнатга бўлган қобилиятни ривожлантирадilar; ўз билимларини бойитадилар, улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирадilar; меҳнат фаолияти соҳасини кўпайтирадilar.

Жамият ривожланиб борган сари инсон фаолияти машиналар, механизмлар яратишга, олдиндан берилган хоссаларга мувофиқ, бевосита табиатда учрамайдиган материалларни вужудга келтиришга, адабиёт ва санъат асарлари илмий кашфиётлар яратишга қаратилган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб боришига қараб кишилиқ жамиятининг ўзи ҳам кишиларнинг турмуш тарзи ҳам ўзгариб боради. Жамият тарихини илмий тарзда тушунишнинг калити ҳам мана шундадир.⁴

⁴ Штолберг Р. “Социология труда” М.: 1982 г.С 101-103

Меҳнатни таҳлил этишнинг энг муҳим методологик жиҳатларидан бири меҳнат функцияларини билиб олишдир. Бу функциялар қанчалик хилма – хил бўлмасин, уларнинг деолектик бирлигини ҳам таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Меҳнат ўзининг асосий ижтимоий функцияларида қуйидагича намоён бўлади:

- эҳтиёжларни қондириш усули (бу меҳнатнинг биринчи ва энг муҳим функцияси бўлиб, инсоннинг ижтимоий турмуши ана шундан бошланади);
- ижтимоий бойликнинг яратувчиси (бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида инсон ўз эҳтиёжларини қондиради, ўзи билан табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади, назорат қилади);
- жамият ижодкори ва ижтимоий тараққиёт омили (меҳнат эҳтиёжларни қондириш ва бойлик яратиш билан бутун ижтимоий тараққиётга асос бўлади – жамиятни, ижтимоий қатламларни ва уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги асосларини шакллантиради);⁵

Шундай қилиб юқорида келтирилган меҳнат функциялари ўз навбатида мавжуд эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

Ушбу бўлимга юқоридаги фикр – мулоҳазаларимиздан келиб чиққан ҳолда хулоса ясар эканмиз, инсоннинг барча турдаги эҳтиёжлари, ҳеч шудҳасиз ўз меҳнати орқали қондирилади. Қолаверса, мана шу эҳтиёжларимизнинг борлиги ва уни қондириш мақсадида қилган ҳаракатларимиз натижасида жамиятимиз ривож топади.

⁵ Штолберг Р. “Социология труда” М.: 1982 г.С 114-115.

1.2. Моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзар фарқланиши.

Ҳар қандай шахснинг фаолияти манбаи унинг эҳтиёжларидадир. Мана шу эҳтиёж одамни маълум тарзда шахс фаоллигининг манбаи сифатида намоён бўладиган ва унинг конкрет яшаш шароитига боғлиқлигини ифодаловчи ҳолатдир.

Эҳтиёжнинг пайдо бўлиши ва намоён бўлишини оддий мисолда кўришимиз мумкин. Қиш келиши билан бир оадм йилнинг иссиқ ойларида фойдаланмаган иссиқ кийимларини тартибга солиши ёки уларни олиш ҳаракатида бўлишини кўришимиз мумкин. Қиш ойларида инсон ҳаётнинг конкрет шароитларига боғлиқлиги уни бир қаторфаол ҳаракат қилишга ундовчи манбаа бўлишини билдиради.

Шахснинг фаоллиги эҳтиёжларини қондириш просессидда намоён бўлади. Инсон фаоллиги ва бу фаолликнинг манбаи ҳисобланган инсон эҳтиёжларини одамга тарбия бериш просессидда, яъни маданий дунёси билан муносабатга киришиш жараёнида таркиб топади. Масалан, табиий нарса одам учун қандайдир йўл билан қўлга киритилган нарса эмас, балки фақат биологик мазмунга эга бўлган “егулик” арсага айланиб қолади. Одам нарсаларни қурол ёрдами билан тарихий тарққиёт махсули бўлган ўзининг эҳтиёжларига мослаб ўзгартириш қобилиятига одам эҳтиёжлари унинг шахс сифатида намоён бўлади. Шунинг учун одамнинг эҳтиёжларини қондириш просесси унинг иштирокида маълум ижтимоий тараққиёт натижасида юзага келган фаолият формасини фаол мақсадга мувофиқ ўзлаштириш жараёни сифатида намоён бўлади.

Одамнинг эҳтиёжлари ижтимоий – шахсий характерга эгадир. Бу биринчидан жуда тор шахсий характерга эга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун , масалан (овқатланиш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган) ижтимоий меҳнат тақсимотининг натижасидан фойдаланади (столга келтирилган нон – буғдой доналарининг жуда мураккаб ишланишининг натижасидир. У агрономлар, тракторчилар, тегирмончилар, нонвойлар, нон сотувчилар ва шу кабиларнинг зўр бериб қилган меҳнатларининг моддийлаштирилган натижасидир).

Иккинчидан, одам эҳтиёжларини қондириш учун мазкур ижтимоий муҳитда тарихий ташкил топган усул ва амаллардан фойдаланилади, ҳамда маълум шарт – шароитлар керак бўлади. Ниҳоят учинчидан, одамнинг жуда кўп эҳтиёжлари фақат унинг тор шахсий талабларигина эмас, балки одамнинг ўзига тегишли бўлган ва улар билан бирга ишлайдиган жамият, жамоа, гуруҳ талабаларини ҳам ифодалайди, шунинг учун жамоа эҳтиёжлари шахсий эҳтиёжлар характерига эга бўлади.

Бу жараёни куйидаги мисолда яққол кўришимиз мумкин: мажлисда маъруза қилиб беришдан иборат жамоатчилик топшириғи берилган талаба бу маърузага жуда қунт билан тайёрлана бошлайди. Бунда у маърузага тайёрланиш иши айтайлик, бирор қизиқарли китобни ўқишга қараганда жуда мароқли бўлгани учун ўзида кучли эҳтиёж сезаётгани боис қунт билан тайёрланади.

Эҳтиёжлар пайдо бўлишига кўра табиий ва маданий турларга бўлинади.

Табиий эҳтиёжларда одамни фаоллаштирувчи фаолияти унинг ва авлод – аجدодларининг ҳаётини сақлаш ҳамда давом эттириш учун зарур бўлган шароитларга боғлиқлиги ифодаланади. Ҳамма одамларда ейиш – ичишга, уйқуга, совуқдан ва жазирама иссиқдан сақланишга ҳамда шу кабиларга

табиий эҳтиёж туғилади. Агар табиий эҳтиёжлардан қандайдир бирортаси узок муддат давомида қондирилмаса одам муқаррар ҳалок бўлади ёки ўз жинсини давом эттиришдан маҳрум бўлади. Гарчи табиий эҳтиёжлар одамнинг ҳайвон авлод – аждодлари ва ибтидоий одамларда қандай бўлса шундайлигича ўзгармай қолган бўлса ҳам улар ўзининг психологик моҳиятига кўра ҳайвонлар табиий эҳтиёжларидан тубдан фарқ қилади. Эҳтиёжларни қондириш усуллари, хусусан тарихдан олдинги одамлардек эмас, балки ҳозирги замон одами ҳис этаётган эҳтиёжларнинг ўзи ҳам ўзгариб кетди.

Маданий эҳтиёжларда одам актив фаолиятининг инсоният маданияти маҳсулотларига боғлиқлиги ифодаланади; бу маҳсулотларнинг илдизлари бутунлай ишсонийт тарихи ташкил топган маданият шароитларида қандайдир табиий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилувчи нарсалар (вилкалар, қошиқлар, овқат ейиш таёқчалари) меҳнат ва маданий муносабатларда бўлиш учун одамларнинг мураккаб ва хилма – хил ижтимоий ҳаёти учун зарур бўлган нарсалар киради. Одам ҳар хил иқтисодий ва ижтимоий тузумда тарбия ҳамда кенг тарқалган ва қабул қилинган одамларнинг ҳулқ – атвор формаларининг ўзлаштирилишига қараб ҳар турга маданий эҳтиёжларга бўлинади. Агар одамнинг маданий эҳтиёжлари қондирилмаса, у ҳалок бўлмайди (табиий эҳтиёжларни қондирилмаганида ҳалок бўлишидек), лекин унинг инсоний сифатлари қаттиқ зарарланади.

Эҳтиёжлар ўз даражаларига ва бу эҳтиёжлар сабабли юзага келган фаолиятларга қараб хилма – хил баҳоланади, шахснинг ахлоқий жиҳатдан тўғри бўлган эҳтиёжлари унинг ўзи яшаб турган жамият талабларига жавоб берувчи эҳтиёжлардир.⁶

⁶ Социология. Марузалар матни. Т.: 2000й 153-154 бет

Бунда эҳтиёжлар шу жамиятда қабул қилинган дидларга, баҳоларга ва асосан дунёқарашларига мос бўлади.

Эҳтиёжлар ўз предметининг характериға кўра моддий ва маънавий бўлиши мумкин.

Моддий эҳтиёжларда одамнинг моддий маданият предметларига боғлиқлиги намоён бўлади (овқатга, уй – жойга, кийим – кечакка, турмушда керак бўладиган барча нарсаларга бўлган эҳтиёж).

Маънавий эҳтиёжларда одамнинг ижтимоий онг маҳсулотларига боғлиқлиги ифодаланади. Бу боғлиқлик маънавий маданиятни ўзлаштиришда намоён бўлади. Одам бошқа кишилар билан ўз фикри ва туйғулари ҳақида суҳбатлашиш, газета, китоб, журналлар ўқиш, муסיқа тинглаш ва шу каби эҳтиёжларни ҳис этади. Боқа одамлар билан муносабатда бўлишдек маънавий эҳтиёжини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак, инсоният жамиятнинг илк тонгида муомала воситаси сифатида тилни юзага келтирган муносабат эҳтиёжи меҳнат билан бирга майиуннинг одамга айланишида асосий омил бўлди. Муносабатда бўлган эҳтиёж ҳозир ҳам инсон маънавий тараққиётининг энг муҳим шарт – шароитларидандир.

Шу ўринда моддий ва маънавий ҳаётнинг ўзаро мутаносиблигига назар ташлайлик. Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда бу борада асрлар давомида қизгин баҳс – мунозараларга сабаб бўлиб келаётган бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

Яъни одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир – бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устиворлик касб этиши ҳақида турли – туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва

қарашлар мавжуд бўлганини ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётганини кузатиш қийин эмас.

Башарият тарихида яшаб ўтган не – не буюк алломалар бу масала бўйича кўплаб асарлар яратиб қолдиргани ҳам шундан далолат беради.⁷

Мисол учун, қадимий Ҳиндистон, Хитой ёки Юнон файласуфларини оласизми, ўрта асрлардаги Шарқ ва Ғарб уйғониш даври намоёндаларини оласизми, ислом оламида ном қозонган мутафаккир зотларни оласизми – уларнинг илмий меросида моддий ва маънавий олам орасидаги муносабатларга кенг ўрин берилганини кўриш мумкин. Масалан, антик давр файласуфлари бўлмиш Сукрот ва Платон, Эпикур ва Демокрит, Хитой донишманди Конфуций ва бошқа алломаларнинг бу борадаги назарий қарашлари фан тарихидан яхши маълум. Уларнинг айримлари руҳий оламни бирламчи деб билса, баъзилари эса моддий оламни асосий ўринга қўяди. Ана шундай тушунча ва тасаввурлар асосида кейинчалик материализм ва идеализм каби таълимотлар майдонга чиқди. Ўйлайманки, бу ўринда уларнинг тарихи, маъно – мазмуни ҳақида батафсил тўхталиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Албатта, бундай фалсафий ёндашувларнинг ҳар бири ўз давридаги мавжуд сиёсий – ижтимоий вазият, ҳукмрон мафкура, жамиятнинг ҳуқуқий ва маданий савияси турли социал гуруҳ ва тоифаларнинг қарашларини ифода этишга хизмат қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида бундай бахслар соф назарий масала доирасидан чиқиб, маълум бир тузум ёки давлатнинг расмий мафкураси мақомини ҳам олган. Бунинг тасдиғини узоққа бормасдан яқин тарихимиздан шўро замонида материалистик қарашни устун қўйиш натижасида материя

⁷ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: 2008й. 65-бет.

биринчи, онг эса иккиламчи, деган тамойилнинг ҳукмрон дунёқараш даражасига кўтарилгани, бунинг оқибатда инсоннинг маънавий қадриятлари айниқса, унинг миллий ва диний туйғуларига беписанд қараб келингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу масалага чуқурроқ ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу кўҳна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама – қарши қўйиш уларнинг бирини устун деб билган ҳолда тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқлама қараш ифодаси деб айтсак хато бўлмайди.⁸

Қолаверса, бу масалага бундай кескин ёндашув, хусусан инсоннинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир – оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши мумкин. Буни тарих кўп мартаба исботлаган. Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларини мужассам этган ноёб хилқат, яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этган фазилат ва ҳислатларни охиригача англаш – тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала.

Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб инсонга хос орзу – интилишларини рўёдга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйланманки ўринли бўлади.

⁸ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: 2008й. 67-68 бет

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қантга айланса, шундагина инсон давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.

Биз истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу – мақсадлари ва замон талаблари, дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган ҳолда жамиятимизнинг ҳаётида ана шу икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратдик. Мустақиллик биз учун нафақат иқтисодий, балки беқиёс маънавий имкониятлар манбаи эканини англаб мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, иқтисодий – ижтимоий янгиланиш жараёнларини айнан шу асосида ташкил этишга устивор аҳамият бердик.⁹

Шу ўринда баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий ҳаётни масалалари бўлишини ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият аъзоларининг ўз салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун уларга биринчи ағлда тенг имконият ва эркинлик муҳитини, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт – шароитларини яратиб бериш зарур. Оддий қилиб айтганда, куч – ғайрат билан бирга билим ва тажриба, ақл – идроки, касб малакаси етарли бўлган, қонунларни, ўз ҳақ – ҳуқуқлари ва мажбуриятларини яхши билган одамгина тадбиркорлик ёки фермерлик билан шуғулланиши ўз хусусий ишини оқилона ва самарали ташкил этиши мумкин.

⁹ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: 2008й. 69-бет

Кўриниб турибдики, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир – бирини инкор этмайди, аксинча ўзаро боғланиб, бир – бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, биз иқтисодий тикланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожлана боришни доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларини юксалтиришимиз юртдошларимизнинг онгу – тафаккури ва дунёқараши қанчалик ўзгариб кетганлигидан далолат беради. Кўпчиликка яхши маълумки, 90- йилларнинг бошларида аксарият одамлар бизда ҳам кимнингдир хусусий заводи ёки фирмаси бу ёқда турсин, кичкинагина дўкони бўлишлиги бўлишини ҳам тасаввур эта олмас, тасаввур этган ҳолда ҳам ўзига қабул қила олмас эди. Чунки ҳамма нарса давлат мулки бўлган, эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида баҳоланар эди. Бугунги кунда эса хусусий мулк тушунчасига нисбатан муносабат қандай ўзгариб, у ҳаётимиздан қанчалик чуқур жой олиб бораётганига барчамиз гувоҳмиз ва бу ҳолат ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Кишилиқ тарихи бугунги дунёдаги кўпгина тараққий топган, барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан ташкил топган тоифа ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга орттирган даромади ҳисобидан ўз яқинлари ва муҳтож инсонларга бегараз ёрдам кўрсатиш, эл – юрт учун хизмат қиладиган, мактаб, касалхона, маданият ва спорт масканлари барпо этиш бир сўз билан айтадиган бўлсак, давлат ва жамият зиммасидаги кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини

қўшади. Энг муҳими бундай инсонлар юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаш ва ҳимоялаш ёруғ келажагимизни қуриш йўлида астойидил жон куйдириб меҳнат қилади.

Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимиз, урф – одат ва анъаналаримиздан озиқланган иқтисодий тараққиёт йўлимиз жамиятимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёрқин ифодасидир.

Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларни ўзаро мутаносиблиги тарзида ривожланаётгани сиёсий – ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб измат қилмоқда.

II-боб. Инсонлар фаолиятидаги бўш вақтда маданий эҳтиёжларни шакллантириш муаммолари.

2.1. Бўш вақтни оммага тадбиқ қилишда маданий эҳтиёжлардан фойдаланиш.

Битирув малакавий ишимизнинг ушбу бобида асосан инсонларнинг меҳнат фаолиятидан кейинги вақти, яъни бўш вақтлари тўғрисида атрофлича фикр юритишимиз керак бўлади. Биринчи бобда асосан инсон эҳтиёжлари ва мана шу эҳтиёжларни қондириш йўллари ҳамда эҳтиёжнинг турлари ҳақида фикр юритгандик. Ушбу маълумотларнинг давоми сифатида бўш вақтда инсонларни маданий эҳтиёжларини қондириш йўллари ва муаммолари ҳақида маълумот берамиз. Энг аввало бўш вақт ўзи нима?, у қай вақтда юзага келади?, деган саволларга жавоб излаймиз.

Ҳозирги вақтда бўш вақт социологик сўз сифатида шаклланганлиги ҳеч кимга сир эмас. У биринчи навбатда умумий социология фанининг соҳаси сифатида жамиятнинг турмуш тарзи билан боғлиқдир. 50 – 60 йилларда ўтказилган тадқиқотлар, яъни социологик предметларнинг янги кўриниши шу бўш вақт социологиясининг предмети пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Бундай тадқиқотларнинг пайдо бўлишида албатта, жамиятда бўлаётган иқтисодий – ижтимоий ўзгаришлар сабаб бўлди. Чунки бу даврда бутун дунёда индустриализация жараёни такомиллашиб, жамиятни янги ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг янги босқичи бошланган эди. Жамиятдаги ўзгаришлар ўз авбатида инсонларни турмуш тарзига эътиборни қаратишга мажбур қилади. Чунончи инсонларни кундалик ҳаётини тушунишга, уларнинг ҳаётидаги бўш вақтларини қаердан пайдо бўлишини тушунишга ҳаракат қила

бошланди. Чет эл социологлари биринчи бўлиб ўз навбатида бўш вақт муаммоси билан қизиқишган ва тадқиқот ўтказишга ҳаракат қилишди.

Улардан бири Ж.Д.Дюмазод томонидан 60 – йилларда ёзилган “Бўш вақтни сивилизацион ўтказиш” деб номланган китобини мисол қилиб олиш мумкин. Шу йилларда ўтказилган тадқиқотлар асосида ёзилган Л.А.Гордовий ва Э.В.Клоповларни “Инсон ишдан сўнг” 1972 йилги китобини мисол қилиб олишимиз мумкин.

Бўш вақт жамият ҳаётининг бир кўринишидир. Бўш вақт нафақат индивидларни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган қобилиятларини тиклашгина бўлиб қолмасдан, балки маънавий сифатларини ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ижтимоийлашувига ёрдам бериш каби ижтимоий вазифалардир. Социологияда зарурий ва эркин бўш вақт тушунчалари алоҳида ажратилиб ўрганилади.

Зарурий бўш вақт – кунлик керак бўладиган, зарур эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги бўш вақтга айтилади; эркин бўш вақт эса – ишдан ташқаридаги вақтдан инсоннинг эркин ривожини учун сарф қилинган қисмини айирмасдан қолдирилган вақтга айтилади¹⁰

Инсоннинг вақт бюджетининг фақат эркин бўш вақтини қуйидагилар ташкил қилади:

- жисмоний ривожланишга кетадиган вақт: физкультура, спорт, туризм, турли сайрлар ва ҳ.к.;
- маданий ҳаваскорликка қаратилган вақт: ижтимоий фаолият, ўқиш, лексияларга қатнашиш, музейларга бориш, китоб, газета ва журналларни ўқиш, бадиий ҳаваскорлик билан шуғулланиш;

¹⁰ М.Б.Бекмуродов. Социология асослари. Т.: Фан.1994 йил. 41-бет.

- маданий ҳордиқ: кинотеатр ва бошқа кўнгилочар томошаларни кўриш, шахмат – шашка ва бошқа ўйинларни ўйнаш;
- кўнгилочар тадбирлар: меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш ҳамда шу каби тадбирлар;
- ҳаракатсиз дам олишлардир: телевизор кўриш, видео – магнитофон эшитиш, компьютер ўйинларини ўйнаш ва бошқалар;¹¹

Эркин ва зарурий бўш вақтлар жамият учун энг керакли вақтдир. Аммо эркин бўш вақт сифати жиҳатидан жамият ҳаётидан ажралиб туради, ташқи омиллардан эмас, балки янги ва янгиланган эҳтиёжлар билан шартлангандир. Эркин бўш вақтдаги инсоннинг фаолияти шу шахснинг индивидуаллигини шакллантириш учун қаратилган бўлади. Яъни бу ижодий, бунёдкор фаолиятларни ривожлантириш учун қаратилган, бундан ташқари бу фаолият инсонларнинг жисмоний, эстетик, маънавий камолотини юқорига кўтаришга қаратилган.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида зарурий бўш вақт қисқариб, эркин бўш вақт узайиб боради. Бунда ишлаб чиқаришдаги вақтнинг иқтисодий самарадорлиги қонуний намоён бўлади. С.Г.Струмименнинг 80-йилларда ўтказган тадқиқотига кўра Россияда яшовчи эркеклар учун 20 %, аёллар учун эса 15 % вақтни эркин ташкил қилган.¹²

Эркин бўш вақтни рационал ишлатиш, яъни бу вақтда малака ошириш маданиятини кўтариш, янги фан ёки билимларни ўзлаштириш, ижтимоий фаолият билан шуғулланиш учун қолган вақт, ишлаш учун сарф қилинадиган кучни тежаш ва жамоанинг маънавий кучини кўтариш имкониятларини кенгайтиради.

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, эркин ва зарурий бўш вақт фондини ҳисоблаш методикаси ҳар – хил социологик йўналишлар ва мактаблар учун

¹¹ М.Б.Бекмуродов. Социология асослари. Т.: Фан.1994 йил. 41-бет.

¹² Гидденс Э. Социология. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. 2002 йил. 77-бет.

турлидир. Баъзи бир концепциялар эркин бўш вақтни мактабга кетадиган вақтга қарама – қарши қўяди. Бунда эркин бўш вақт ҳар – хил профессионал касбий, ижтимоий оилавий бурчлардан озод қилинади.

Бўш вақтни тушунишга икки хил ёндашилади: иқтисодий ва социологик.

Бўш вақтни социологик ёндашиш асосида тадқиқ қилиш асосида бўш вақтни социал фаолият сифатида кўриб чиқишни ва бўш вақтни инсонларнинг маънавий тикланиши учун асосий шарт – шароит деб қараш керак.

Бўш вақтни социологик фаолият сифатида ўрганилар экан, тўрт йўналиш бўйича кўриб чиқилади:

Биринчидан, бўш вақт ўсиши учун материал ва ташкилий шарт – шароитларни комплекс ўрганилади.

Иккинчидан, бўш вақтни ўтказиш билан боғлиқ бўлган объектларни тадқиқ қилиш (театрлар, клублар, кутубхоналар, спорт майдончалари ва бошқалар);

Учинчидан, бўш вақтнинг субъектив томонларини ўрганиш (демократик гуруҳларнинг қизиқишлари, интилишлари ва ҳоҳишлари);

Бу йўналишнинг асосий хусусияти шундаки, шахсларнинг бўш вақтларида бу фаолиятнинг турига бўлган муносабатни аниқлашдир.

Тўртинчидан, социал режа ва иншоотлар учун ижтимоий демократик гуруҳларнинг бўш вақт бюджетини шакллантириш ва ҳаракатини, шахсини ўрганишдир;

Олимларнинг таъкидлашича, бўш вақтнинг режали, иродали ва энг қулай усулларида бири регионларда ҳамда айрим корхоналардадир.

Шунинг учун бўш вақтни структураси мазмун – моҳияти алоҳида корхона, қишлоқ, шаҳар ва бошқа даражали кўрсаткичлар таркибига кириши.

Бўш вақт икки қисмдан иборат бўлади:

Биринчи қисм, бўш вақтнинг ижтимоий иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган ҳаракатга, фаолиятга қаратилган вақт(малака ошириш, ўқиш, болалар билан

машқ қилиш ва бошқалар); Иккинчи қисмда эса бу дам олишдир(касб фаолияти билан боғлиқ бўлмаган моҳият, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, спорт, қариндош-уруғлар ва дўстлар билан учрашувлар, пассив деб аталиш, дам олиш ва бошқалар);

Шаҳар ва қишлоқ одамларининг яшаш тарзлари бир хил эмас. Шаҳар ва қишларда, биринчи навбатда таълим ва маданият институтлари бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир шаҳар ўзига хос бўлган

Бўлган маданий муҳитга эга. Шу муҳит таркибида атрофдаги материаллр. Жисмлар, шу маданият даражасига мос келадиган, ўтган авлод мерос қилиб қолдирган қадриятлар киради. Шу муҳит ҳар қандай шаҳарда одамларни ўраб туради. Уларга таъсир қилади.Бундан ташқари шаҳарларда ўзига хос бўлган иш юритиш мавжуд ҳамда шаҳарлардаги одамлар маданиятни шу муҳитда яшаётган аҳолининг таркиби, уларнинг билм даражаси, уларнинг қизиқишлари ва қадриятлар тизими орқали таърифлаш мумкин. Шаҳарлар бир-биридан маданиятнинг ривожи босқичлари билан фарқланади.

Бу фарқ нафақат шу ҳудудлардаги маданий ўчоқларнинг борлиги балки у ерда яшовчи инсонларнинг маънавий ривожи учун ўзларининг эҳтиёжлари билан белгиланади. Бўш вақтни жамоа номидан ўзгартирилган фаолият ва индивидуал фаолият билан боғлиқлиги инобатга олинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи учун ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маъданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган айти замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жхатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун хал қилувчи масалага айланди.

Таъкидлаш жоизки, бу жараён юртимизда ўта мураккаб шароитда мустабит шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди.

Мана шундай ўта қалтис ва мураккаб бир даврда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб қолиш, марказдан бўлаётган турли таъсирлардан халқимизни ҳимоя қилиш, ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида 1990 йилнинг 24 март куни Республика Олий кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошқаруви жорий этилди.

Таъкидлаш жоизки, ўшанда собиқ СССР ҳудудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мана шундай юксак лавозим жорий этилган ва шу тариқа биз юртимизни мустақиллик йўлида бошлаган дастлабки қадамини қўйган эдик.

Ўша сессия мажлисида республикамызда вужудга келган оғир вазият ва уни тузатиш бўйича олдимизда турган энг асосий вазифалар ҳақида сўз бошлаганда, бир-биридан долзарб, бир-биридан муҳим муаммоларни ечиш борасида айнан маънавий масаласига алоҳида тўхталиб, халқ ноиблари, бутун халқимизга қарата Президентимиз қуйидаги фикрларни билдирган эдилар:

“Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз олдимиздан ўтказар эканмыз, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни хал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар тарихий анъаналар, умуминсрний маънавий бойликлар билан

ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак.

Бу борада асосий ишларимиз нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган

Бизнинг вазифамиз шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш

Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқод эркинлигини таъминлашимиз керак. Биз одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва ҳайрли ишларни кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб – қувватлаймиз, улар билан ҳамкорлик қиламиз”¹³

Масаланинг бошқа томони – маърифат ва маданиятнинг моддий – техник баъзасини мустаҳкамлаш. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган эҳтиёжлар манбаи мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларни шароитини яхшилаш.

¹³ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: 2008й. 76-78 бет

2.2. Бўш вақтни ташкил этишда маданий эҳтиёжлар: кино, театр, адабиёт ва мусиқа санъатидан фойдаланиш муаммолари

Жамиятимиз маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаб томони шундаки, бугунги кунда бошимиздан кечираётган ижтимоий – сиёсий тараққиёт йўлида учрайдиган жуда кўп муаммоларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фақат ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таяниб ҳал этишга тўғри келмоқда,¹⁴ қолаверса инсонларнинг, айниқса, ёш авлоднинг бўш вақтидан самарали фойдаланишида адабиёт, санъат соҳаларининг ўрни беқиёслиги ва бу неъматлардан бўш вақтда фойдалана олиш имкониятлари борлиги билан бир қаторда, турли муаммоли вазиятлар вужудга келмоқдаки, галдаги фикрларимиз шу ҳақда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида ва жоҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш мақсадидасиёсий, ижтимоий, иқтисодий сооҳаларни янгилашга ҳаракат қилмоқда. Кишилар тафаккурида қайта ўзгариш янги миллий мафкура-мустақиллик мафкурасини яратиш жараёнлари кечмоқда. Бу жараёнлар ХХІ асрга ўтиш палласида амалга оширилмоқда. Бухақда Ўзбекистон президенти И. А. Каримов Олий мажлисининг XIV сессиясидаги нутқида айтган гаплари ўта ибратлидир: «Бу фикр маданий ва маънавий меросимиздаги муаммоларни ҳал қилишни бу масала бўйича тасаввурга эга бўлишимиз зарурлигини англатади.

Маданий мерос-бу ўтмишдан қолган кадриятлар, ғоялар, тажриба билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижалардир.

¹⁴ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: 2008й. 132-133 бет

Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб жамият ўз мақсадларини амалга оширишни қисқа йўллари танилади. Бундан ташқари маданий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва хиссий жихатдан бойитади ва билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўтмиш билан батамон узилиш мумкин эмас. Инсоният тарихида мутлоқо янги маданият яратишга уринишлар бўлган, бироқ бундай уринишлар хунук натижаларга олиб келган. Бунга 1920-йилларда совет Россияда «Пролетар маданияти» ни яратишга уринишни ёки «маданий инқилоб» мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу инқилоблар жараёнида янги маданиятлар яралмади, аксинча бори ҳам йўқ қилинди: Қўлёзмалар, китоблар, суръатлар ёқилди; меъморий ёдгорликлар бузилди, энг ачинарлиси маданий қадрият эгалари ҳалок қилинди. Оқибатда ўтмиш билан боғлиқ узвийлик бузилиб жамият орқага кетди.

Маданиятнинг меъёрий ривожланиши уни асраб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришини билдиради. Бироқ бу жараён оддий ва бир хилда содир бўлмайди. Маънавий қадриятларнинг мундарижаси, уларни қайта кўриб чиқиш, қайта баҳолаш, уларнинг ўзаро боғлиқлик усуллари, муносабат типлари билимларни асраш ва узатиш ҳаёт меъёрлари, дил мазаси, воқеаликни эстетик идрок қилиш хусусияти ўзгармасдан қолмайди, улар узлуксиз ҳаракатда бўлади.

Мерос серқирра ва кўп қиёфалидир. Унинг аниқ намаён бўлиш типларнинг кўплиги, тенденциялар хилма-хиллиги фарқланади. Ҳар бир янги авлоднинг ворислик механизми ўтмишдошларнинг тажрибасидан маданиятнинг турли соҳаларида фарқланади: Санъатдаги ўлчам фандагидан бошқача, табиий фанлар гуманитар фанлардан фарқли. Метро ҳар қандай соҳада инсоннинг ҳақиқий ўзлаштиришида намаён бўлади ва маҳаллий ёки дунё миқёсидаги жараёнлар шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу фаолият

маданий босқичларда бир меъёрда текис йўналиш шаклларида бўлмай, унинг бир босқичдан иккинчи босқичга сакраб ўтиши нотеки бўронлар хусусиятига эга. Инониятнинг маънавий ютуқларини мерос қилиб қолдиришга ворислик шаклда жарёнлар муффасал йўналишида амалга ошади. Масалан қадимги миср заковати «инжил», «библия», «1001 кеча эркаклар» каби маданият ёдгорликларига ижодий таъсир қилади. Яна ер юзидаги барча халқларнинг замонавий билим соҳаларига замин бўлган Бобил астрномияси, хинд математикаси, антик фалсафа, Рим хуғуғи ҳақида ҳам шундай гапириш мумкин.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар бўлса маълум халқнинг маданият тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади. Бошқа соҳаларда эса-техника, фан, санъат каби соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкга айланади.

Кейинги авлодларга мерос қолдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизм мавжуд. Улардан баъзилари қадимдан мавжуд бу намоёниш қилиш оғзаки узатиш фольклар санат бошқа усуллар кейинроқ пайдо бўлди. Бу кино маънавий меросни фойдаланиш имкониятларини ўзгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий иқтисодий сиёсий ғоявий омиллар билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг ҳажми танлаш хусусияти интенсивлигига боғлиқ. Бизга маълумки совет жамиятида коммунистик ғоя ҳукумронлиги даврида халқлар хусусан Ўзбекистонда ҳам ўзининг ҳақиқий тарихий миллий ва маънавий меросидан маҳрум этилган эди. Умуман маданий меросдан мутлақо маҳрум бўлган ёки фойдаланмаган жамият ёки халқлар тарихда бўлиши мумкин эмас.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда малга оширилган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафкуравий тайзикдан бутунлай ҳалос бўлганлигини қайд этиш лозим. Ҳар қандай ижод намунаси, бадиий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди. Эркин ижод учун миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди.

Бугунги кунда ўз ҳаётини ана шундай масъулиятли соҳага бағишланган кўплаб истеъдод соҳиблари юртимизда янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият” нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини химоя қилишда илму – фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда.

Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиятимизга ёд ва бегона бўлган анъана шундай “маданият” намуналарни фақат таҳдид ва инкор қилиш ёки уларни таъкидлаш билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Бундай ҳатарлардан ҳаётимизни асраш маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл – заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт.

Демак, ҳар қайси инсоннинг меҳнат фаолиятидан кейин пайдо бўлувчи бўш вақтини беҳудага сарфлашини олдини олиш учун маданий эҳтиёжларни қондириш йўллари излаб топишга ўргатишимиз лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги пайтда электрон ахборот воситалари хусусан, телевидения ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий – эстетик озиқ берадиган ва хордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда десак хато бўлмайди.

Шу сабабли ўткир таъсир кучига эга бўлган телевидения ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги асосий миллий телерадиоканаллар аҳолининг холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини ўстириш, қадимий анъаналаримиз, тарихий меросимизни асраб – авайлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга, фуқароларимиз онгида демократик қадриятлар, гражданлик позициясини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш йўлида муносиб хизмат қилаётганини таъкидлаш керак.

Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, хис этмаслиги мумкин эмас.

Ҳар қайси шахс ўзининг керакли юмушларини бажариб бўлгандан сўнг бўш вақтида радио эшитгиси, телевизор кўргиси келади, яъни ўзининг маданий эҳтиёжларини қондиргиси келади, у кўрган ва эшитган маълумотларидан ҳам маънан, ҳам маданий озуқа олади. Ушбу томонларни ҳисобга олган ҳолда оммавий ахборот воситаси вакиллари маънавий ва маданий, сиёсий – ижтимоий соҳалардаги қизиқарли воқеаларни оммага етказиб беришга ҳаракат қиладилар.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай одам иш фаолиятини тугаллагандан сўнг ўзига хос тарзда дам олгиси, хордиқ

чиқаргиси келади. Шу билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, радио, телевидениянинг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Глобаллашув жараёнида дунёдаги бўлаётган турли хил ўзгаришлар айнан мана шу оммавий ахборот воситалари орқали кишилар онгига кириб келади. Ушбу реакцияни тўғри йўлга қўйиш эса ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Ушбу бўлимга якун ясар эканмиз, битирув малакавий ишимизни ёзишдан мақсад, ҳали у даражада тўла ўрганилмаган, ечими кутиб ётган муаммоларни топиб уни атрофлича ўрганиш эди. Биз ўйлаймизки, ушбу мақсадимизга етарли даражада эришдик.

Хулоса

Битирув малакавий ишимиздаги барча боб ва бўлимларда келтирилган фикр ва мулоҳазалар, келтирилган қисқача хулосалардан келиб чиқиб, умумий хулоса яшашга ҳаракат қилдик.

Ҳар бир шахс ўзи хоҳлайдими йўқми табиий даражада ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳаракат қилади: ейди, ичади, кийинади ҳамда маданий ҳордиқ чиқаради. Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган инсонлар орасида маданий эҳтиёжларини қондиришда катта фарқ борлиги яққол кўзга ташланади. Тўғри, айтиш мумкин, бугунги кунда техника – технология асрида яшайпмиз. Чекка қишлоқларда яшовчи инсон ҳам радио – телевидения орқали бемалол маданий ҳордиқ чиқариши мумкин. Лекин кино саройларида томоша қилиш, театрда турли замонавий ва миллий руҳдаги тарбиявий аҳамиятга эга асарларни кўрганчалик фойдалилиги оз. Шаҳар шароитида яшовчи аҳоли хоҳлаган пайтда театр томошаларига, турли саёҳатларга чиқиб ўзининг куч манбаини тиклашга ёрдам берадиган маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига эга.

Қишлоқлардаги мавжуд клублар ҳам ўз фаолиятларини яхши йўлга қўймаганликлари учун меҳнатдан кейин бўш вақтни ташкил қилинишида турли хил муаммоларга дуч келинмоқда.

Оила – тарбия маскани. Ҳар бир оила аъзолари: ота – она ва фарзандлар бўш вақтдан тўғри фойдаланишни билишлари шарт. Ота – она бевосита фарзандларига ҳам ўргатади, улар билан турли сайлгоҳларга, маданий ҳордиқ чиқариш бўлимлари: музей, кино, театрларга ойда ҳеч йўқ икки мартаба олиб боришга ҳаракат қилишади.

Қишлоқ шароитида бу нарсаларга эътибор берилмаслиги ёки бўш вақтдан фойдаланмаслик оқибатида ишсизлар сонининг кўпайиши, маданий тараққиётдан ортда қолиш ҳолатлари вужудга келади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан 2009 йил “Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинди. Бу ҳам ўша ҳудудда яшайдиган инсонларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, қишлоқ тарққиётини кучайтириш мақсадини амалга оширишдан иборат.

Зеро, ушбу битирув малакавий ишимизнинг мазмуни ва муаммоларни ўз ечимини топишида назарий асос сифатида келажакда ўз фойдасини беради деган умиддамиз. Келажакда барча инсонлар ўз вақтларининг нечоғлик қимматли эканлигига тушуниб етишлари ва ўзларига керакли бўлган маълумотларни, эҳтиёжларни ихтиёрий шакллантириш даражасига етишларига умид қилиб қоламиз.

Таклиф ва мулоҳазалар

Битирув малакавий ишимизнинг мазмун – моҳиятидан, унинг савиясидан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни берамиз:

1. Ҳар бир шахс яшаш ҳуқуқига эга ва ўз манфаатларини, яъни эҳтиёжларини қондиришга ҳақли. Шу маънода бўш вақтнинг тўла маъносини оммага тушунтириш, етказиб бериш мақсадида олий ўқув юрти талабалари, яъни бўлажак тарғиботчиларга тўла ўргатиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилиши лозим. Масалан, “Бўш вақт социологияси” фани мавжуд, лекин ўқув адабиётлари жуда кам. Шунини инобатга олган ҳолда социолог профессор ўқитувчиларимиз ўқув адабиётларини яратишса мақсадга мувофиқ бўларди.
2. Бундан ташқари бўш вақтни тўғри ташкил этишда маданият муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш масканлари: турли тўғараклар, ўқув марказлари фаолиятини янада кенгайтириш, бу жараёнларни қишлоқ шароитида ҳам шакллантирилса самарали натижаларга эришиш мумкин.
3. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳаётий фактларга, ҳаракатларга таянамиз, яъни уларга юз марта гапиргандан кўра, бир марта ўша жойни, ҳодисани кўрсатишимиз лозим. Мисол учун тарихимизни ўрганиш мақсадида музейларимизга ташриф буюрамиз. Минг афсуски, тарбиявий – эстетик тамойилларга жавоб бермаслигининг гувоҳи бўламиз. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун бевосита масъул шахслар ўз масъулиятларини сувистеъмол қилмаган ҳолда ҳаракат қилишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу тавсияларимиз билан бўш вақтдан унумли фойдаланишда маданий эҳтиёжларни қондириш йўллари тўғри танлаш, қолаверса, барча

кишиларнинг маданий савиясини юксалтиришда ўз ҳиссамизни қўша олган бўлсак ўзимизни мақсадга эришган деб ҳисоблар эдик.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Каримов И.А. – Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1999 й.
6. Каримов И.А. “Баркамол авлод — Ўзбекистон тарққиётининг пойдевори”. Тўплам. Т.: «Шарқ» 1997.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й.
8. Каримов И.А. “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ” . Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.
9. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998.
10. Каримов И.А. – Янгича фикрлаш ва шилаш давр талаби. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
11. Алиқориев Н.С. ва бошқ. Умумий социология. Т.: Университет, 1999.
12. Абдурахмонов таҳрири остида “Мехнат ва иқтисодиёт социологияси” Т.: “Ўзбекистон”, 2001 .
13. Қирғизов И. Таҳрири остида “Мехнат ва касб социологияси” маъруза матни Фаргона 2001 й.
14. Рахимов М. “Мехнатнинг ижтимоий муаммолари” Т.: 1992 й.
15. Юнусов К. “Социология” ўқув қўлланмаси. А. 1997 й.

16. Бекмуродов М, Отамирзаев О, Убайдуллаева Р, Бегматов А ва бошқалар муаллифлигидаги “Социология” ўқув қўлланмаси. Т. 2002 й.
17. Энтони Гидденс “Социология”. Т. 2002.
18. Осипов Г. “Социология”. М. 1997 г.
19. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси. Т. 1996.
20. Штолберг Р “Социология труда” М. 1982 г.
21. Ромашов Н. “Социология труда”. М. 1999 г.
22. Жалолов А. “Мустақиллик масъулияти”. Т.: Ўзбекистон. 1996 й.
23. Отамуродов С. ва бошқалар “Маънавият асослари”. Т.: 2000 й.
24. Тўланов А., З. Ғофуров “Фалсафа”. Т.: 1991 й.